# ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

## КУЗ КУЗЛИГИНИ ҚИЛМОҚДА. ҲАР КУН, ҲАР СОАТ ҒАНИМАТ! • ТАБИАТ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ САБОТ-МАТОНАТ БИЛАН ЕНГАЙЛИК. • «ОҚ ОЛТИН»ИМИЗНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙ, ТЕЗРОҚ ЙИҒИШТИРИБ ОЛАЙЛИК!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 203 (6321).

19 ОКТЯБРЬ ПАЙШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

БЎКА районидаги Жамбул номли колхоз пахтакорлари зардор йилда 35 центнерлик маррани эгаллаш мажбуриятини олишган. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида фидокорона меҳнат қилган хўжалик аъзолари юксак социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиришга эришдилар. Айни кунларда колхоз пахтазорларида йиғим-терим қизғин тус олган. Теримда иштироқ этаётган оддий колхозчилар, механик-ҳайдовчилар ва бригада коллективлари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Мусобақага ўз вақтида якун ясалиб, ғолиблар рағбатлантириб борилмоқда. Хўжаликнинг пешқадам механик-ҳайдовчиларидан бири бўлган Жонон Ҳасанов беш кунликлар якунида бир неча марта ғолиблик қилди. Суратда: колхоз касаба союз комитетининг раиси Ҳайдар Маматов Ж. Ҳасановга кўчма вимпел топширмоқда. Механизаторлар Тўра Ҳасанов билан Эргаш Азимовлар ҳамкасбларини ғалаба билан табриклашмоқда.

# УЛКАН ХИРМОН УЧУН КУРАШДА

Поёнсиз пахта далаларида мардонавор меҳнат, шижоат, улкан «оқ олтин» хирмони учун кураш кун сайин қизғин тус олмоқда. Шу кунларда —куз кузлигини қилаётган, табиат инжиқликлари юз бераётган пайтларда колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ меҳнаткашлари, уларнинг ҳамма ишда ҳамиша мададкори бўлган республикамиз турли касб эгаларининг диққат-эътибори, сабот-матонати, талант ва ташкилотчилик ташаббуслари пахтазорга қаратилган.

Илғор хўжаликлардан ва районлардан дастлабки ғалаба қўлга киритилганлиги ҳақидаги хушхабарлар келмоқда. Пахтачилигимизнинг тақдирини ҳал қилувчи баҳодир «зангори кема» капитанлари олтин этаклардан 200—250 тоннадан ортиқ дурдона тўкканликлари дилларимизни хушнуд этмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллигига бағишланган Чақириқлари барча совет қишлари сингари областимиз пахтакорларининг ҳам сиёсий активлиги, меҳнат ғайрати ва шижоатини янада юксалтириб юборди. Инсоният тарихида янги даврни — озод, порлоқ ҳаётни таъминлаб берган Улуғ Октябрнинг шонли байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳамма ерда ижодкорлик ва бунёдкорлик ишлари кенг қанот ёймоқда. Беш йиллиқни муддатидан илгари бажариш, Ватанга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш иштиёқида ватанпарварлик ҳаракатларини кўрсатаётган қаҳрамон халқимизнинг улкан зафарлари социалистик тузумнинг ҳаётбахш кучқудрати, совет кишилари ижодий меҳнатининг порлоқ самарасидир.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида партиямиз XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни бажариш учун хормай-толмай меҳнат қилаётган колхозчилар, совхоз ишчилари беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган план ва мажбуриятларни шараф билан адо этиб, эндиликда пахта учун кураш майдонига отландилар. Шу кеча-кундузда ҳамма ерда умумий сафарбарлик эълон қилинган. Ҳамманинг эътибори пахтазорга қаратилган. Бу йилги шароитда юз берган қийинчиликлар ва табиий офатларни мардонавор енгган пахтакорлар кузнинг ноқулай келганлигини ва бунинг натижасида йиғим-теримда юз бераётган жиддий аҳволни тўла ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Бутун техника воситалари, машиналар, ишга яроқли ҳар бир меҳнаткаш йил бўйи пешона тери билан етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини нобуд қилмай, йиғиб-териб олишга отланган. Илғор бригадалар, колхозлар ва совхозлар йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бермоқдалар.

Ҳамма вақт пахтачиликда пешқадам ва байроқдор бўлиб келаётган Ғалаба районининг азамат заршунослари областимизда биринчи бўлиб йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Она-Ватанга 55 минг тоннага яқин пахта етказиб берилди. Районда социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш учун кураш бормоқда.

Ғалабаликлар бу катта муваффақиятга йил бошидан пахтачилик соҳасидаги барча ишларни комплекс механизация асосида ташкил этганликлари, агротехника тадбирларидан тўла фойдаланиб, район меҳнаткашларининг ижодий меҳнати ва ташаббускорлигини бу муҳим сиёсий масалага қаратиб, партия ташкилотлари ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларини ошириб, колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданиятини юксалтирганликлари ва ҳар бир ишни ўз вақтида ўтказиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, янги ташаббусларни жорий этганликлари натижасида эришдилар. Ваъдасига вафодир Ғалаба районининг меҳнаткашлари йил бошида яхши ташаббус бошлаган эдилар. Бу ватанпарварлик ҳаракати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети томонидан маъқулланган эди. Дастлабки зафар эл-юрт олдида зиммага олинган мажбуриятнинг бажарилганлигидан, ваъдага вафо совет кишисига хос фазилат эканлигидан далолат беради. Шу нарса характерлики, етиштирилган ҳосилнинг қариб 50 минг тоннадан кўпроғи машиналарда териб олинди. Бу район областда биринчи бўлиб машина терими планини ҳам бажарди.

Илғорлар тажрибаси, пахтачиликни, айниқса, йиғим-теримни уюштиришдаги ибратли ишлари ҳаммага намуна бўлмоғи лозим. Вазият анча мураккаб келган ҳозирги шароитда колхоз ва совхозларнинг бутун куч ва техника воситаларн, деҳқонларимизнинг энг яқин ёрдамчиси ва мададкори бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг эътиборн етиштирилган ҳосилни ҳеч нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга қаратилмоғи керак. Шу мақсадда областимизнинг барча меҳнаткашлари пахтазорга отландилар. «Ҳаммамизнинг ўрнимиз далада — пахтазорда!» деган даъват пахта фронтининг жанговар шиорига айланди.

Бироқ, қулай пайтлар ва имкониятлар ишга солиниши ҳамда бутун техника воситалари ва ишчи кучлари йиғим-теримга сафарбар этилиши лозим бўлган бир шароитда айрим районлар, колхоз ва совхозларда бўшашувчиликка йўл қўйилмоқда. Қатъий интизом ўрнатилмаган. Кунлик терим суръати ҳеч қандай асоссиз пасайиб бормоқда. Ишда талабчанлик, жиддият сезилмаяпти. Терим суръатини ошириш учун барча восита ва имкониятлар ишга солинмаяпти. Умуман сафарбарлик етарли эмас. Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ҳали ҳам кўсакларнинг пишиб етилмай ва очилмаётганлигидан нолийдилар. Кейинги кунларда бўлган совуқ ҳаво деярли барча хўжаликларда кўсакларнинг тез очилишини таъминламоқда.

Суръат ортидан қувиб, нобудгарчиликка йўл қўяётган колхоз ва совхозларнинг иш услубини қаттиқ қоралаш керак. Баъзи жойларда ёрдамчилар келиши билан колхоз ёки совхознинг бир қисм теримчилари бошқа ишларга сафарбар қилинади. Бундай ҳолга йўл қўймаслик керак.

Йиғим-терим, вақт кутиб турмайди. Ишчанлик, уюшқоқлик, талабчанлик, интизом ва ғайрат билан ишлашни талаб этади. Айрим хўжаликларда ишни самарали уюштириш ўрнига кераксиз баҳоналарни сабаб қилиб кўрсатаётган, гапда уста, ишда ночор ходимларнинг салбий фаолияти йиғим-терим суръатининг бўшашиб кетишига таъсир этмоқда. Бундайларга қарши қатъий чора кўриб, ҳамма ерда улкан хирмонимизнинг тезроқ бунёд этилишини, юксак уюшқоқлик ва ижодий меҳнат намуналарини кўрсатишимиз лозим.

Хўжаликларда пахта терим машиналари билан бир қаторда подборшиклар, кўсак терадиган машиналар етарли миқдорда бор. Бу машиналардан кўпчилик колхоз ва совхозларда унумли фойдаланилмоқда. Лекин, айрим хўжаликларда уларнинг ишлари самарали ташкил этилмаган. Пахта териш машиналари эса, турли ўринсиз сабабларга кўра бир неча кунлаб ишламайди. Мавжуд машиналар эса кунига 2-3 тоннадан пахта термоқда. Шунингдек, теримчиларнинг иш унуми кўнгилдагидек эмас. Пахта яхши очилганлигига қарамай теримчиларнинг ўрта ҳисобда 20—30 килограммдан тераётганликларни қандай баҳолаш мумкин. «Зангори кема»ларнинг икки сменада ишлаши уюштирилганча йўқ. Теримчиларга маданий-маиший хизмат етарли даражада бўлмаяпти. Партия ташкилотлари коммунистларнинг йиғим-теримдаги авангардлигини ошириш, далага сиёсий-оммавий, маданий-оқартув ишларини ташкил этишни янада яхшилаш, дала шийпоналарининг хизматини бундан ҳам юксалтириш соҳасида барча таъсирчан чораларни амалга оширишлари керак.

Йиғим-теримда ҳал қилувчи долзарб кунлар келди. Сўнгги тонналар учун кураш ҳар қачонгидан ҳам сабот ва матонат кўрсатиб ишлашни талаб қилади. Ҳаво қулай келган ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат. Бундан буён об-ҳаводан ҳайр-эҳсон кутиб бўлмайди.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Ватанимиз, халқимиз, дўстлик ва қардошлигимиз рамзи бўлган «оқ олтин»имизни қировли кунларга қолдирмай тезроқ йиғиштириб олиш учун ҳаммамиз пахта далаларига чиқайлик. Машиналар унумли ишласин. Теримчилар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ пахта терсин. Ватанга садоқатимиз пахта хирмонига қўшаётган ҳиссамиз билан белгилансин.

Иттифоқимизнинг асосий пахта базаси ҳисобланган жонажон Ўзбекистонимизнинг қаҳрамон заршунослари «оқ олтин»дан юксак хирмон уйиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини йил сайин шараф билан адо этиб келмоқдалар. Улар бу давр ичида не-не қийинчиликларни табиат инжиқликларини бошларидан кечирмадилар. Шундай шароитда мардонавор меҳнат қилдилар. Жасорат, баҳодирлик намуналарини кўрсатдилар. Бу йил ҳам 5 миллион 700 минг тонналик осмонўпар, қалбларни тўлқинлантирувчи хирмонимиз албатта бунёд этилади .Бунинг учун ҳаммамиз курашга отланайлик. Пахтазор мардларни чорламоқда. Партиямиз Чақириқларига ва оталарча ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб берайлик.

# ҒАЛАБА РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ЗАФАРИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини муваффақиятли бажариб бораётган Ғалаба райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 61 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашни янада қизитиб, узларининг фидокорона меҳнатлари билан зарбдор йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Самарадорлик ва сифат беш йиллиги топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида ўзаро социалистик мусобақани қизғин авж олдирган район пахтакорлари 17 октябрда халқ хўжалик планини муваффақиятли бажардилар ва КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бердилар. Она Ватан хирмонига 54300 тонна «оқ олтин» тўкилди. Ҳар гектар пахта майдонидан 35,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Етиштирилган жами ҳосилнинг 93 проценти «зангори кема»лар билан йиғиштириб олинди ва машина терими плани бугунги кунга қадар 107 процент қилиб адо этилди. Пахта йиғим-теримида «Победа», Энгельс номли, «Ленинград», «Заря коммунизма», Ҳамза номли, Ленин номли колхозлар ҳамда Киров номли ўқув хўжалиги, «Коммунизм» ва «Волков» номли совхозларнинг коллективлари, айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар халқ хўжалик планини бажардилар. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик 37—40 центнерга, «Победа» колхозида эса 45 центнерга етказилди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг Ульянов бўлими пахтакорлари қўлга киритган ютуқ айниқса қувончлидир. Улар 875 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтариб, халқ хўжалик планини районда биринчилар қатори муддатдан анча илгари бажардилар. Шунингдек, «Победа» колхозидан Пётр Ким, Свердлов номли колхоздан Наби Уринбоев, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигидан Мустафо Падишев, Энгельс номли колхоздан Анатолий Ким ва бошқа тажрибали пахтакорлар бошқараётган бригада коллективлари ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни 45—50 центнерга етказдилар.

Дала гвардиячилари деган шарафли номни тўла оқлаётган механик-ҳайдовчилар зарбдор йил пахта ҳосилини тез ва сифатли йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатдилар. СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг звено бошлиғи Энвер Алиев, Свердлов номли колхоздан КПСС XXV съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турдихон Қосимова, Маҳмуд Уринбоев ва Абдурауф Ғаффоров, «Победа» колхозидан Афанасий Ким ва яна бир қатор моҳир механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан 180—200 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Район меҳнаткашлари давлатга пахта етказиб бериш халқ хўжалик планини муваффақиятли бажаришдан ташқари пилла, сабзавот маҳсулотлари, мева, узум, қовун-тарвуз ва шоли сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли адо этдилар. Шунингдек, канап пояси ва ғалла тайёрлаш халқ хўжалик планлари ҳам бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш план ва топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Дастлабки довондан ошган район пахтакорлари далалардаги қолган ҳосилни ҳам қисқа муддат ичида бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва республика хирмонига 63 минг тонна дурдона тўкиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

## ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

### Т. ОХУНОВА: БИРИНЧИ ДОВОНДАН ОШДИК

ЧИНОЗ районидаги Киров номли колхоздан хушхабар келди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова бошқараётган бригада пахтакорлари давлатга «оқ олтин» сотиш халқ хўжалик планини муддатидан илгари ортиғи билан адо этиб, биринчи довон ошдилар. Мавжуд 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Т. Охунованинг ўзи бригада пахтазорларида йиғим-теримни намунали уюштиришда бош-қош бўлишдан ташқари зангори кемаси бункеридан 270 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкди.

Халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилган бўлсада, терим суръати сусайгани йўқ. Чунки, ҳали бригада пахтазорларида ҳосил кўп. Коллектив аъзолари йил бошида қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш, яъни ҳосилдорликни камида 60 центнерга етказиш учун курашни қизғин давом эттирмоқдалар. Бригада бошлиғи эса яна 180 тонна пахта териб беришга аҳд қилди.

•

### МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Тошкент райони меҳнаткашлари яна бир катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан ўниничи беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар.

Бу йилги об-ҳаво инжиқликларини мардонавор енгган дала меҳнаткашлари сабзавотдан мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунгача давлат қабул пунктларига 83 минг 27 тонна турли хил сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Ленин номли, Охунбоев номли, С. Раҳимов номли, Навоий номли колхозлар меҳнаткашлари зарбдор йилда катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Эришилган ғалабада бу хўжаликларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва давлатга сотиш қизғин давом этаётир. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район меҳнаткашлари яна давлатга 19 минг 973 тонна маҳсулот етказиб бериб, 100 минг тоннолик маррани эгаллаш учун мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

## „Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 18 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, бир кунда машинада терилгани — бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ҒАЛАБА | 0,67 | 100,01 | 0,19 | 107,04 |
| Янгийўл | 1,12 | 76,53 | 0,28 | 63,31 |
| Бўка | 1,75 | 74,41 | 1,12 | 70,47 |
| Коммунистик | 1,82 | 73,86 | 1,63 | 76,82 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,80 | 73,60 | 1,91 | 79,34 |
| Бекобод | 1,42 | 71,66 | 1,45 | 62,10 |
| Чиноз | 1,55 | 63,89 | 0,92 | 52,59 |
| Пискент | 1,51 | 55,29 | 1,48 | 45,31 |
| Оққўрғон | 1,19 | 53,77 | 0,70 | 46,55 |
| Область бўйича: | 1,40 | 71,52 | 1,05 | 67,96 |

# РЕСПУБЛИКА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Тошкентда 18 октябрь куни республика балиқчилик хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов кенгашни очди.

Кенгаш ишида область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, балиқчилик хўжаликлари корхоналарининг раҳбарлари, инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, касаба союз комитетларининг раислари, республикадаги бир қанча министрликлар ва идоралар, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И .Г. Анисимкин КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлэкатнинг чучук сув ҳавзаларида балиқчиликни янада ривожлантириш ва балиқ овлашни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Узбекистонда балиқ етиштиришни кўпайтириш соҳасида балиқ саноати хўжаликлари ходимларининг вазифаси тўғрисида доклад қилди.

Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Узбекистон ССР балиқчилик хўжалиги Давлат комитетининг раиси А. У. Маҳмудов, Тошкент областидаги Дамачи балиқчилик хўжалигининг директори Н. Ш. Шарипов, Хоразм балиқ комбинатининг директори Б. Ж. Жабборов Қорақалпоғистон балиқчилик колхоз союзига қарашли «Амударё» колхози мотофелюгаси капитани К. И. Исмоилов, Тошкент области «Балиқчи» бирлашмасининг бош директори В. Н. Труш, Жиззах балиқ комбинатининг бош инженери А. Н. Мамин докладни муҳокама қилишда қатнашдилар. Кейинги йилларда республикада кўлларда ва ховузларда балиқ овлаш анча кўпайганлиги таъкидлаб ўтилди. Республикада кейинги 7-8 йил ичида тўрт минг гектардан зиёдроқ кўл майдонлари ишга туширилди. Бу кўлларнинг балиқ маҳсулдорлиги икки баравар ўсди. Республика бўйича ҳозир сунъий кўлларнинг ҳар бир гектари ўрта ҳисобда 21 центнердан зиёдроқ балиқ беради. Энг яхши хўжаликларда — «Балиқчи», Дамачи бирлашмаларида ва Хоразм балиқчилик хўжаликларида бу кўрсаткич гектарига 30—38 центнерга етди. Илғор балиқчилик хўжаликларининг коллективлари ҳозирнинг ўзидаёқ беш йилликнинг уч йили планини бажариб қўйдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми талаблари асосида тармоқдаги ишнинг аҳволини таҳлил қилиб, республиканинг маҳаллий сув ҳавзаларида балиқ овлаш ҳажмини анча кўпайтириш мумкин эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидаги қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, — деб таъкидлаб ўтишди кенгаш иштирокчилари, — республиканинг ҳовузлари, кўллари ва дарёлари маҳсулдорлиги оширишини кескин таъминлаш, товар балиқчилик хўжаликлари самарадорлигини ошириш, балиқ етиштириш ва балиқ овлаш юзасидан план топшириқларини сўзсиз бажариш энг муҳим вазифадир.

Кенгашда СССР балиқчилик хўжалиги министри А. А. Ишков сўзга чиқди.

Кенгашда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

[УзТАГ].

# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ — КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

Ҳозирги пайтда қуёш энергиясидан фойдаланиш проблемасига бутун дунёда қатта аҳамият берилмоқда. Бу албатта бежиз эмас. Чунки ундан фойдаланиш жараёнида шовқин, кишн саломатлиги учун зарарли бўлган, атроф муҳитни бўлғайдиган моддалар чиқмайди. Шунингдек ,«қуёш ёқилғиси» запаслари кўмир, нефть ёки газ сингари органик ёқилғиларидек чегарали эмас.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Туркманистон, Ўзбекистон, Қиргизистон ва Тожикистонда қуёшкинг йиллик нур сочиб туриши 3000 соатга етади. Бу қуёш энергиясидан хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида анчагина самарали фойдаланишга имкон беради. Бизда сувни иситиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш, электр-энергия ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун қуёш қурилмалари яратилган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонинг кенг майдондаги чўл ва даштлари чорвачиликда яйлов ва ўтлоқ сифатида фойдаланилади. Жониворларни чўл шароитида сув билан таъминлаш мураккаб вазифа. Гарчи бу районларнинг деярли барча ерида қум остида ер ости сув ҳавзалари мавжуд бўлишига қарамай чорвани сув билан таъминлашда анчагина қийинчиликлар бор. Чунки ер ости сувлари жуда ҳам шўр. Туркманистон ССР Фанлар Академияси мутахассислари шу проблемани ҳал қилиш мақсадида қуёшдан фойдаланиш системасини ишлаб чиқдилар. Шўр сувларни қуёш энергияси ёрдамида ичишга яроқли қилиш соҳасида ўтказилган тажрибалар махсус қурилмаларнинг жуда қулайлигини кўрсатиб берди.

Иқлими иссиқ зоналар учун совуқ ишлаб чиқарувчи махсус гелиоабсорбцион қурилмалар ишланган. Туркманистон пойтахтида бир неча йиллан бери дастлабки шундай қурилма уч қаватли уйни совуқ ҳаво билан таъминлаб турибди. Ташқарида иссиқ 45 даражага етганда бу уй хоналари анча салқин бўлади.

Украина ССР Фанлар академиясининг Киевдаги техник иссиқлик физикаси институти олимлари ишлаб чиққан бундай қурилмалар Ўрта Осиё коммунал хўжаликларида, Украина ва Молдавиянинг жанубида тез орада кенг қўлланила бошлайди.

Мамлакатимизнинг турли иқлимли зоналарида кенг миқёсда қўлланила бошлайдиган қуёш қурилмалари орасида қуёш сув иситкичлари алоҳида ўрин тутади. Конструкцияси жиҳатидан жуда содда бу қурилма ойна остидаги юпқа металл панелдан иборат бўлиб, ички тарафдан иссиқлик изоляциясига эга. Бундай панель орқали оқиб ўтган сув деярли 100 градусгача исийди. Қурилманинг бир квадрат метри кунига 100 литр сувни иситиш имконини беради. Бундай қурилма ҳозир Симферополдаги беш қаватли меҳмонхонада ишга туширилган. У одатдаги қозонхонага ўрнатилган бўлиб, қуёш чақалаб турган кунларда сувни 60 градусгача иситиб беради. Ҳаво булут пайтда қуёш нурларига газ горелкалари ёрдамга келади. Крим шароитида бу қурилма ёқилғини 30 процентгача иқтисод қилишни таъминлаяпти.

Совет Иттифоқида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш проблемасига ҳам аҳамият катта. Ҳозир бу ишни иссиқлик ва атом электр станцияларида фойдаланиладиган одатдаги паротурбина цикли ёрдамида ёки ярим ўтказгичли фотоэлектр батареялари ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Жаҳондаги энг дастлабки қуёш электр станцияси 1960 йилдаёқ мамлакатимизда ишга туширилганди ва бутун дунёга донғи кетганди. Станциянинг буғ генератори баланд минорага ўрнатилган бўлиб, унинг атрофига кўплаб юпқа ойнали нур қайтаргичлар териб қўйилган. Бу қайтаргичлар миноранинг энг юқорисидаги қуёш нурларини бир фокусга солиб беради. Пайдо бўлган буғ турбогенераторга юборилиб, электр энергиясига айлантирилади. Энди олимлар бундан ҳам йирик электр станциялари яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Фото-электр элементлари асосида ишлайдиган электр станцияларни қуриш ҳам техник жиҳатдан реал иш ҳисобланади. Бизда бу соҳада ҳам тажриба тўпланган.

— Юқорида кўрсатилган мисоллар, албатта, қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг барча йўналишларни қамраб олмайди. Асримизнинг сўнгги 25 йилда бу энергия лаборатория чегараларидан чиқиб, хўжаликда кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Эл-юртга ризқ-рўз таратиш энг олийжаноб касблардан биридир. Янгийўл шаҳридаги ун заводининг коллективи буни яхши тушунади. Корхона меҳнаткашлари СССР Конституцияси бир йиллиги арафасида уч йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Йил охиригача 2.850 000 сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Суратда: ун цехининг илғор бригада бошлиғи (чапдан учинчи) ҳамкасбларига ютуқлар ҳақида сўзлаб бермоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

Ўткир Давлетшин пойтахтдаги газ аппаратлари заводининг илғор бригадири. У бошлиқ коллектив беш йиллик топшириқни 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда. Суратда: Ў. Давлетшин иш устида.



«Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-фабрикасида юзлаб ишчилар шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда. Иззат Сафаров шундай пешқадамларнинг бири. У айни кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР*

# МУСОБАҚАГА РАҲБАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

«УЗБЕКХИММАШ» заводи Чирчиқ шаҳридаги йирик саноат корхоналаридан бири. Завод ишчи ва хизматчилари ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида зарбдорчасига меҳнат қилиб, ойлик ва квартал планларини асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажаришяпти. Яқинда бўлиб ўтган завод партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу муваффақиятлар ва камчиликлар ҳақида батафсил гапирилди.

— Бу ҳисобот-сайлов йиғилишимиз мамлакатимиз ҳаётида катта сиёсий воқеалар даврида ўтаяпти,— деди докладчи, завод партия комитетининг секретари Г. Сипаков.— КПСС XXV съездидан кейин партком коммунистлар олдида биринчи марта ҳисоб беряпти. Бу орада СССР янги Конституцияси қабул қилинди ва у совет халқи тарихий ғалабаларини мустаҳкамлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат бўйлаб қилган сафарларида ишчи коллективлар билан учрашувидаги нутқларида совет халқининг яратувчилик қайноқ меҳнати ўз аксини топган.

Завод коллективи ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки йилу тўққиз ойлик планини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарди. Маҳсулот реализация қилиш плани 101,3 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани эса 100,6 процентга етказилди. Пландагига қўшимча 1 миллион 305 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шу билан бирга сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Беш йиллик бошидан буён давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган машина ва ускуналар салмоғи 16,73 процентга етди. Бу йил 27,9 процент маҳсулот фахрий бешқирра билан тайёрланди.

Ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йили ўтган саккиз ойлик плани фойда олишдан ташқари барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Пландагига қўшимча равишда 316 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига 31,4 минг сўмлик маҳсулот тўғри келади. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот реализацияси ҳажми 7,1 процентга ўсди.

Тежамкорлик — коммунистик ҳислат. Завод партия ташкилоти металл ва хомашёни тежаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Беш йиллик бошидан буён 380,2 тонна углеродли зангламайдиган пўлат, (мажбурият—378 тонна), мажбуриятдаги 143 тонна ўрнига 147 тонна ёқилғи, мажбуриятдагидан 13,8 процент кўп — 446 минг киловатт соат электр энергияси тежалди.

Коллективда социалистик мусобақанинг янги формаларини излаш ва самаралиларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича намунали тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1973 йилда ишбай усулида ишловчи ишчилар ўртасида ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириш шахсий планини бажариш бўйича мусобақа бошланган эди. Ҳозир мусобақанинг бу турида 825 киши қатнашяпти. Улардан 30 киши меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича уч йиллик шахсий топшириғини бажарди. В. Бутишев, А. Нугаев бошлиқ бригадалар бу борада пешқадамлик қилишмоқда. Шунингдек, КПСС XXV съезди арафасида С. Киоси бошлиқ бригада «Аъло сифат бригадаси» номини қўлга киритиш бўйича мусобақа ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Уларнинг бу ташаббуси шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди. Ҳозир 12 бригада ана шу фахрли ном учун беллашишяпти. Токарь А. Гизатуллин, пармаловчилар В. Каростин, В. Мелниковлар ўнинчи беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти.

СССР Конституциясининг бир йиллигигача 200 дан ортиқ ишчи ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик шахсий топшириғини бажарди. Ю. Ананьин, И. Дубовой, И. Клевцовалар шулар жумласидандир.

Цехлараро мусобақада қуюв, кенг истеъмол буюмлари цехларининг коллективлари олдинги сафда боришмоқда. Қозон-пайвандлаш, темирчилик—пресс цехлари эса колоқлар сафига тушиб қолишди. Темирчилик-пресс цехи бошлиқларининг кўп алмашиши ҳам ишга салбий таъсир кўрсатяпти. Цех партия ташкилоти тарбиявий ишларни кучайтириш, завод маъмуриятн эса камчиликларни таҳлил қилиб тугатишга ёрдам бериши керак.

Заводда 1976 йилда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси ишлаб чиқиш ишлаш этилди. Шундан буён ўтган давр ичида сифат борасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган йили коллектив Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат стандарт Комитетининг дипломи билан тақдирланганлиги қувончли ҳолдир. Айни кунларда 20 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Беш хил химия ускуналари, 13 хил турбомашина, 2 хил кенг истеъмол буюмлари фахрий бешқиррага эга.

План ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилишида кадрлар маълумоти ва малакасини ошириш ҳал қилувчи омиллардан бири. Корхонада олий маълумотли мутахассислар сони бу йил 285 кишига етди. Партия ташкилоти олдида қатор камчиликларни тугатиш бўйича вазифалар турибди. Жумладан, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишини 1975 йилга нисбатан 23,7 процентга меҳнат унумдорлиги бўйича ўсишни 20,2 процентга етказиш зарур. Ички хўжалик ҳисоб-китоб ишларини янада мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик тадбирларини янада кучайтириш, сифатни ошириш зарур. Бундан ташқари, иш вақтини беҳуда йўқотишга, прогул ва бошқа шу каби нуқсонларга қарши қатъий курашиш керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ишчи ва хизматчилардан 11 коммунист сўзга чиқди. Улар ўзлари меҳнат қилаётган цех ва участкаларидаги ютуқларни таъкидлаш билан бирга камчиликларни ҳам ўртага ташлашди.

— Шаҳар саноати асосий кўрсаткичлар бўйича план-топшириқларини бажарди,— деди Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Қодиров,— ўтган икки йилу саккиз ойда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 14 процентга ортди. Меҳнат унумдорлиги 11,2 процентга ошди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 92 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. «Узбекхиммаш» заводи коллективида муваффақиятлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам бор: иш ҳақи меҳнат унумдорлигига нисбатан кўп ошяпти. Бичиш-тайёрлаш, темирчилик — пресс, қозон—пайвандлаш цехларида меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагидан пастлаб кетди. Завод коллективи фойда олиш планини бажармаяпти, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш шаҳар бўйича эришилган даражадан паст. Шунингдек, партия қарорларининг бажарилишини назорат қилишнинг сустлиги завод партия комитетининг камчилигидир.

Бош конструкторлик бўлими бош конструкторининг ўринбосари А. Сахапов:

— Партия йиғилишининг бирқанча қарорларида «Союзхиммаш» бирлашмаси ва Химия машинасозлиги министрлиги заводга комплект лойиҳа ҳужжатлари ва келгуси йил номенклатура планини тасдиқлаш ҳужжатларини ўз вақтида беришни таъминлашга қарор қилинган эди. Бунинг самараси кўринмаяпти. Планларнинг кўп ўзгартирилиши ишни мураккаблаштирибгина қолмай, техникавий ҳужжатларни тайёрлаш ва моддий таъминотни қийинлаштиряпти. Бу эса цехлар ишига салбий таъсир кўрсатяпти. Ўйлаймизки, завод маъмурияти ва партком бу ишни нормаллаштиришга астойдил киришади. Бундан ташқари, заводда техника советининг роли сезилмайди. У техника масалаларини ҳал қилиш ўрнига маъмурий қарорлар қабул қилиш билан чекланиб қолаяпти. Бизнинг бу хусуда парткомга қилган мурожаатимиз қўллаб-қувватланмади.

Кенг истеъмол буюмлари цехининг мастери В. Антонова:

— Цехимизда гальваника бўлимининг ҳали ҳам ишга тушмаганлиги бирмунча қийинчилик туғдираяпти. Бу иш амалга ошса меҳнат унумдорлиги кескин ошиши билан бирга иш шароити яхшиланган, маҳсулот сифати янада ошган бўларди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида умумий муваффақият ҳар биримизнинг ўз иш жойимизда қандай ишлашимизга боғлиқ эканлиги айтилган.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида парткомнинг янги состави ва шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

# КАДРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида кейинги йилларда ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи цех қуввати ошди, электрда пўлат эритиладиган комплексинг дастлабки навбати ишга тушди.

Завод коммунистлари, барча ишчилар тайёрланаётган маҳсулот сифатини оширишга, план ва топшириқларни муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ҳисобот даврида планга қўшимча равишда 16373 тонна пўлат, 9767 тонна прокат ишлаб чиқарилди. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги 4,3 процент, ўртача иш ҳақи эса 7,4 процент ошди.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш участкаларига коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Илғорлари прокат цехининг 2-бригадасида ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмас, тайёрланган маҳсулот сифати талабга жавоб бермас эди. Цех партия ташкилоти ва маъмурияти коммунист Н. Кашперскийга катта ишонч билдириб, 2-бригадага раҳбар этиб тайинлади. Ўшандан бери орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Янги раҳбар бригада аъзоларини бирлаштира олди. интизомни мустаҳкамлади. мусобақанинг турли формаларини йўлга қўйди. Бугунги кунда бригада аъзолари ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этмоқдалар, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар. Ҳозир цех бўйича тайёрланаётган маҳсулотнинг ярми давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Корхонада мураббийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. А. Абдусаломов, А. Султонов, Ҳ. Аҳмедов каби 360 мураббий муносиб ўринбосарлар тайёрламоқдалар. Ёш кадрлар малакасини ошириш, ўқитиш учун заводда барча шароитлар яратилган. Ветеранлар ўрнини босаётган йигит-қизлар оталар ишига содиқ қолиб шонли анъаналарни давом эттирмоқдалар.

Докладчи, завод партия комитети секретари М. Жамолиддинов коммунистларнинг ҳисобот-сайлов конференциясида кадрлар тайёрлашни яхшилаш ва топширилган иш учун улар масъулиятини ошириш лозимлигини алоҳида уқтирди. Мартен, прокат, сирли идиш-товоқ цехлари партия ташкилотлари ишчи кадрларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шароитларни яратиб бермоқдалар. Бу участкаларда реконструкция ишлари муваффақиятли якунланди. Техника шарофати билан тайёрланаётган маҳсулот ҳажми кенгайиб бормоқда.

Корхонада ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатлари ҳам тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳисобот даврида ишчилар, инженер-техник ходимлардан 1282 та ихтирочилик таклифи тушди. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 800 минг сўмлик самара олинди.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиқкан завод бош инженери А. Саленек техника революциясини давом эттириш, кадрларни техник маълумотини ошириш лозимлигини уқтирди. Ҳали ҳам корхонада малакали кадрлар тайёрлашда бир қатор нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг ҳар хил сабабларга кўра кетиб қолиш ҳоллари учраб турибди. Цех бошлиқлари, партия ташкилотлари ёшлар ўртасида таълим-тарбияни намунали йўлга қўйишлари. улар билан индивидуал иш олиб боришлари керак. Ёшларни социалистик мусобақанинг турли формаларига кенг жалб этиш лозим.

Кейинги йилларда корхонада коллективлараро мусобақа формалари анча такомиллашди. Завод иттифоқимизнинг бошқа корхоналари билан муваффақиятли мусобақалашиб келмоқда. Лекин мусобақа давомида тутилаётган янгиликларни пропаганда қилиш талаб даражасида эмас. Сўзга чиққан пўлат эритувчи. КПСС XXV съезди делегати Мамажон Ёдгоров ёш коммунистлар мактаби ишини қизиқарли ташкил этиш лозимлигини таъкидлади. Корхонада тутилаётган янгиликларни ёш коммунистлар мактаби, коммунистик меҳнат мактаблари орқали бутун оммани бебаҳо мулкига айлантириш керак.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида кадрлар билими ва масъулиятини ошириш, резервларни тўлароқ ишга солиш, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини ўстириш лозимлиги уқтирилди. Корхонада партия ва комсомол сиёсий маорифи ўқувидан ташқари техник, иқтисодий билимлар университети, коммунистик меҳнат мактаблари ҳам ишлаб турибди. У. Тўрақулов, В. Чумаков, И. Йўлдошев, З. Сайфуллаев каби пропагандистлар партия ғояларини оммаонгига етказмоқдалар. Уларни янги марралар сари чорламоқдалар.

Завод партия комитети лекция пропагандасини намунали ташкил этишга ҳам эътиборни кучайтирмоқда. «Билим» жамиятининг элликдан ортиқ аъзоси. 130 агитатор. 96 сиёсий ахборотчи, 25 сиёсий докладчи завод партия комитети ўтказаётган тадбирларда актив қатнашмоқдалар. Лекин шунга қарамай йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар аҳоли яшайдиган жойларда лекция пропагандаси, оммавий-сиёсий ишлар талаб даражасидан эмаслигини эслатиб ўтдилар.

Сўзга чиққан завод касаба союз комитети раиси Б. Миркомилов, электрда пўлат эритиш комплекси партия ташкилоти секретари А. Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар ҳам партия ташкилотининг ҳисобот даврида бажарган ишларини атрофлича анализ қилдилар, сайланадиган янги состав олдига вазифалар қўйдилар.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари О. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Ҳисобот-сайлов конференцияси завод партия комитетининг янги состави ва шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

С. БОИМУРОДОВ,
Бекобод шаҳар партия комитети ходими.

## «НИШОНА»ДА УЧРАШУВЛАР

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультети ҳузурида ўтган йили «Нишона» адабий тўгараги иш бошлаган эди. Шу қисқа вақт ичида унинг аъзолари таниқли шоир ва журналистлар билан учрашдилар. «Ёш ленинчи» газетаси, «Муштум» журнали ва «Наштар» сатирик тележурнали ходимлари билан ўтказилган машғулотлар ҳам мароқли бўлди.

Навбатдаги машғулот СССР Конституциясининг бир йиллигига бағишланди. Тўгаракка ҳажвчи-журналист, Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзининг аъзоси М. Худойқулов раҳбарлик қилмоқда.

М. КЕНЖАБОЕВ.

## ИЖОДИЙ АРМУҒОН

Келгуси йилнинг баҳорида Озарбайжонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтади. Бу шодиёнага ижодий коллективлар пухта ҳозирлик кўришаётир.

Қардош халқлар маданиятлари ҳамкорлигининг ёркин намойишига айланадиган санъат байрамида Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театри ҳам қатнашади. Театр репертуаридаги энг яхши спектакллар озарбайжонлик томошабинларга намойиш қилинади.

«Севги ҳақида афсона» балети ҳам олиб борилади. Машҳур сўз санъаткори Нозим Ҳикмат асари асосида ёзилган либретто музикаси жозибадорлиги билан ажралиб туради.

Янги балет СССР халқ артисткаси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Галия Измайлова томонидан саҳналаштирилади.

## *ЮБИЛЕЙНИ МЕҲНАТ БИЛАН ШАРАФЛАЙМИЗ*

Ҳолида АБДУРАИМОВА,

**Оҳангарон районидаги комсомол ёшлар бригадаси съезди делегати.**

**Ворошилов номли совхоз бошлиғи, ВЛКСМ XVIII**

ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа давомида меҳнат коллективларида ажойиб ташаббуслар туғилди. Шу жумладан, совхозимиз ёш маккажўхорикорлари ҳам юбилей йилида олинадиган дон ҳосилини 100 центнердан оширишга қарор қилдилар. Бинобарин Ленин комсомолининг XVIII съездида жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантириш ёшлар олдида турган асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланган эди. Съезд қарорларига жавобан биз чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бригадамиз аъзолари маккажўхоричиликни ривожлантиришда озми-кўпми тажриба тўплашган. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 112 центнердан маккажўхори дони олиб, 660 тонналик хирмон уйган эдик. Бу йил эса резервлардан яна ҳам унумлироқ фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорликни 120 центнерга етказишга қарор қилдик.

Бу маррага эришишда бизга тажрибакор оталаримиз катта ёрдам беришди. Улар экинга ишлов беришдан тортиб, ҳосилни йиғиб олгунгача ишимизда боҳабар бўлиб туришди. Назарали Масалиев, Сайфиддин Мақсудов каби сувчилар кекса деҳқонлар тажрибасига амал қилган ҳолда иш юритдилар.

Ниҳоят фидокорона меҳнатимиз ўз самараларини берди. Ленин комсомолининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда 45 гектар маккажўхоризорининг ҳар гектаридан 120 центнердан «қаҳрабо дон» йиғиштириб олдик. Ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларим учун «Шавкатли меҳнати учун» медали ва «Москвич» енгил автомашинаси билан тақдирландим. Бу эътибор мени янги парвозлар сари ундаяпти.

## *БИЛАН ШАРАФЛАЙМИЗ*

**Оҳангарон районидаги комсомол ёшлар бригадаси съезди делегати,**

ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа давомида меҳнат коллективларида ажойиб ташаббуслар туғилди. Шу жумладан, совхозимиз ёш маккажўхорикорлари ҳам юбилей йилида олинадиган дон ҳосилини 100 центнердан оширишга қарор қилдилар. Бинобарин Ленин комсомолининг XVIII съездида жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантириш ёшлар олдида турган асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланган эди. Съезд қарорларига жавобан биз чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бригадамиз аъзолари маккажўхоричиликни ривожлантиришда озми-кўпми тажриба тўплашган. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 112 центнердан маккажўхори дони олиб, 660 тонналик хирмон уйган эдик. Бу йил эса резервлардан яна ҳам унум-

# ПОЙТАХТ ХАБАРЛАРИ

### КОМСОМОЛ ИИЛНОМАСИ

**Ленин комсомоли ташкил топган кунинг 60 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Шонли юбилей арафасида республикамизда «Сенинг номинг комсомол» шиори остида тематик фильмлар кўриги ўтказилмоқда.**

**Ёшлар қизиқиб томоша қилаётган фильмларда комсомол босиб ўтган қаҳрамонона йўл қизиқарли кадрларда ҳикоя қилинмоқда. Грузия киночилари яратган «Абхаз йигити ҳақида қисса» фильмида Улуғ Ватан уруши йилларида жасорат кўрсатган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Хоразия ҳақида ҳикоя қилинса, ўзбек киночилари экранга чиқарган «Жазирама қуёш остидаги уй» фильмида эса ёш қурувчилар ҳаёти акс эттирилади.**

**Кўпик фильмлари орасида гражданлар уруши даврини акс эттирувчи асарлар ҳам бор. Уларнинг бири «Тайга императорининг туғатилиши» деб аталади.**

### ПЛАСТИНКАЛАРДА — ЭРТАКЛАР

**«Мелодия» Бутуниттифоқ фирмасининг Тошкент грампластинкалар уйи чиқараётган маҳсулотларнинг катта қисмини кичкинтойлар зўр қизиқиш билан тингламоқдалар. Ёзиб олинган эртакларда ҳушчамолла, довюрак, ахлоқли, одобли болалар ҳақида сўз боради. Эртак мазмунлари музика билан айтилган.**

**Лев Толстой, Сергей Маршакларнинг эртакларн ҳам жажжи ўғил-қизлар эътиборига ҳавола қилинди. Бундан ташқари Ўзбекистон композиторларининг болаларга атаб ёзилган қўшиқ ва музикалари, шоирларнинг шеърларидан жамланган пластинкалар ҳам ишлаб чиқарилди. Улар ҳозир «Мелодия» магазинларида савдо қилинмоқда.**

### ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

**«Халқлар дўстлиги» проспекти ва Олмазор кўчаси оралигида ҳозир янги микрорайон қурилиши бошлаб юборилди. Бу микрорайой дастлабки ўн қаватли бинои Халқлар дўстлиги ва Ўзбекистон проспектлари кесишган жойда қад кўтармоқда. Бино лойиҳаси бошқа иморатлардан фарқ қилади. Биринчи қаватига «Совғалар» магазини жойлашади. Теварак атрофда маданий-маиший хизмат объектлари бўлади.**

**Микрорайонда бир қатор лойиҳалаш институтлари ва ўқув юртларн учун 14 қаватли бинолар ҳам қурилади. Абай проспектида эса ёш техниклар станциясининг янги бинои бунёд этилади.**

**Қурилишлар кўлами кенгайиши билан Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғи қайта реконструкция қилинади. Яқин келажакда боғда 10 минг томошабинга мўлжалланган Яшил театр қурилади. Болалар темирйўли узаяди, йўлакалар бўйига фонтанчалар ўрнатилади. Ҳадемай боғ Богдан Хмельницкий кўчаси, Бўржар канали. Фурқат ва Халқлар дўстлиги кўчалари оралиғидаги жуда катта майдонни ўз ичига олади.**

# МАШИНАЛАР ВА ТЕРИМЧИЛАР УНУМЛИ ИШЛАСИН!

## ПЕШҚАДАМЛАР

«Ленинизм» колхозининг деҳқонлари етиштирилган мўл ҳосилни жадал суръатлар билан йиғиштириб олиш учун барча куч ва резервларни ишга солмоқдалар. Колхоздаги бир қатор бригадалар маррага етай деб қолди. Тўра Жонисбоев, Қўлдош Уркинбоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда, айниқса, терим жадал суръатлар билан олиб бориляпти, шу туфайли ҳам кунига йиллик планнинг 2-3 процентн ва ундан ошириб пахта топширияпти.

Колхозда биринчи бўлиб маррага етган Маҳамад Валиев бошлиқ бригада деҳқонлари мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти. Улар ҳар гектар ердан пландаги 30 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганлар. Моҳир механизатор Нажод Ғазизов ғайрат ва ташаббус билан ишлаши туфайли ҳар куни бункердан 5-6 тоннадан «оқ олтин» тўкяпти. Колхозда бундай илғор механик ҳайдовчиларнинг сони борган сари кўпаймоқда.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози правлениеси ва партия ташкилоти далада меҳнат қилаётганларга ғамхўрлик кўрсатишни яна ҳам яхшилади. Дала шийпонларида иссиқ овқат тайёрланмоқда. Кўчма болалар боғчаси ташкил этилган. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумини оширишга яқиндан ёрдам бераётир.

## 4200 ТОННА УЗУМ

**Умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириб, астойдил меҳнат қилаётган Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхоз-заводининг коллективи катта ғалабани қўлга киритишди. Улар пландаги 3033 тонна ўрнига 4200 тонна шириншакар узум етиштириб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар.**

**Совхоз ишчилари ўтган йилга нисбатан 1500 тонна кўп маҳсулот топширдилар. Хўжаликдаги 8 бригаданинг ҳаммаси план ва мажбуриятларини ортиғи билан адо этди. Энвёр Абдураимов, Қаҳҳор Раҳматуллаев, Неъмат Қўшматов бошлиқ бригадаларнинг жонкуярлари мўл ҳосил етиштириб, мажбуриятнинг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.**

**— Ҳали,— дейди совхоз директори Неъматжон Тожибоев,— токзорларимизда узум ҳосили бор. Биз уларни тезда йиғиштириб олиб давлатга топширамиз. Умуман, бу йил давлатга сотган узумимиз 4250 тоннадан зиёд бўлади.**

**Соҳибкорларимиз ҳосилни йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йил учун пухта замин яратмоқдалар. Токзорлар минерал ўғит билан озиқлантириляпти. Бригаталарда токларни қирқиш қизғин бормоқда.**

● БУКА районидаги «Коммунизм» колхозининг азамат «оқ олтин» миришкорлари ғалаба маррасига тобора яқинлашиб келмоқдалар. Терим суръати ни кундан-кун ошираётган азамат пахтакорлар кунда йиллик планнинг 2,5—3 процентн миқдорида пахта тайёрлашга эришмоқдалар. Суратда: (чапдан) илғор механизатор М. Нуралиев, колхоз раиси Саидраҳмон Саймоқов, механизаторлар Ю. Орипов ва А. Омонтоевлар пахтазорда.

И. Тўлисбоев фотоси.

## ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ

### ПАХТАЗОР — МАРДЛАР МАЙДОНИ

Ҳали пахтазордан шабнам кўтарилмаган. Далага терим машинасини тушириш бефойда. Шунинг учун ҳам механик-ҳайдовчи вақтини бекор ўтказмай, агрегатини созлашга уннади. У «иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган халқ мақолини ҳаёлидан ўтказди. Дарҳақиқат шундай. Терим машиналарининг ишчи органлари — шиниделлар қанчалик тўғри созланган бўлса, у ўз вақтида ювиб турилса, иш унуми шунчалик юқори бўлади. Мана ўзидан қиёс. Кеча бункердан 6 тонна пахта тўкди. Энг муҳими шундаки, пахтанинг ерга тўкилиш миқдори кескин камаймоқда.

Бу йил колхоз правлениеси ва партия ташкилоти етиштирган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш юзасидан белгиланган тадбирга бир қанча янги низомлар киритди. Жумладан, машинада тўкмай терилган пахтанинг ҳар тоннаси учун қўшимча 20 процентдан мукофот пули бериш йўлга қўйилди. Бу шартларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида мутахассислардан иборат группалар ташкил этилди. Ҳар бир механик-ҳайдовчи учун алоҳида пахта майдонлари ажратиб берилди. Бу хилдаги тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, машина терими сифатини оширишнинг муҳим омили саналмоқда.

Комплекс механизациялашган бригада бошлиғи Ирза Совуров ўз агрегатини эндигина юргизиб пахтазор томон отланган ҳам эдики, колхоз правлениесидан келган вакил уни тўхтатди. Дала бошида И. Совуровга кенг суянган колхоз пахтакорлари кун сайин йиғим-терим суръатини авж олдиришмоқда. Бригадалар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада Саҳоб Раҳимқулов бошлиқ коллектив пахтакорлари пешқадамлик қилаётирлар. Улар пахта йиғим-терими бошлангандан бери хўжаликнинг 12 пахтачилик бригадаси ўртасида карвонбошиликни қўлдан бермаётирлар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари ўтган йили ҳар гектар майдондан 25 центнердан пахта ҳосилини олиб, йиллик халқ хўжалик планини аранг бажарган эдилар. Пўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олган колхозчилар ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йилида 1325 гектар майдонга барака уруғи қададилар. Баҳорнинг ноқулай келиши пахтакорлар ишини бирмунча қийинлаштириб қўйди. Хўжаликнинг 160 гектар пахта майдонига чигит қайтадан экилди. Табиатнинг бу хилдаги инжиқликлари пахтакорлар ғайрат-шижоатларини бука олмади. Колхозчилар барча майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришди.

Асқаралиев сингари «зангори кема» капитанлари ҳам қувончли натижаларга эришиб, ҳирмонга барака киритишмоқда. Улар илғор механизаторлардан ўрнак олиб, ҳозиргача ўз агрегатлари бункеридан 100 тоннадан пахта тўкдилар.

Техника имкониятларига

Айни кунларда хўжалик далаларида бўлган киши пахта йиғим-теримининг айни қизиғанлигининг гувоҳи бўлади. Колхоз аъзолари барча куч ва техника воситаларини етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, тез ва соз она-Ватан хирмонларига етказиб бериш ишига сафарбар қилганлар.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Чақириқлари хўжалик миришкорлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Илғорлар тажрибасига амал қилиб иш тутаётган заршунослар зарбдор йилда ҳар гектар майдондан олинадиган «оқ олтин» ҳосилини 35 центнерга етказиш учун курашни авж олдириб юбордилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

## ҒОЛИБЛАРГА ТАСАННО

БУГУНГИ тонг сурури тамом ўзгача. Кеча тунда бошланган қаттиқ шамол шаштидан тушган, кўк юзини қоплаб, пахтакорнинг шундоқ ҳам нотинч қалбига нохуш гулғула солган совуқ булутлар ҳар томон тарқаб кетганди. Кўркам ва обод қишлоқ маркази тинч, осуда. Аҳён-аҳёнда тележкаларга «оқ олтин» ортиб пункт томон шошилган автопоездларнинг шовқинигина бу мудроқ сокинликни бузиб туради.

Колхоз идорасига яқинлашганимизда ҳали яп-янги, сир ва ҳаллари қуриб улгурмаган гўзал лавҳага кўзимиз тушиб, тўхтадик. Бу — ғолиблик саркорлари шарафига тикланган ҳурмат — эъзоз рамзи — «Ҳурмат тахтаси» эди. Унга Леонид Ильич Брежневнинг ўзбек пахтакорлари учун энг азиз ва қадрдон бўлиб қолган ушбу сўзлари зар ҳарфлар билан ўйиб битилган: «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади!».

Бу сўзлар мана шу долзарб кунларда, халқимиз фахри ва ғурури — бебаҳо бойлигимиз тақдири ҳал бўлаётган дамларда янада жаранглаб эшитиляпти, пахта ишқида ёнган ҳар бир фидокор, жўшқин юрак, толмас билак пахтакор қалбига илҳом соляпти. Чунки, мана шу пахта билан элимизнинг толеи баланд!

Колхоз азамат пахтакорлари асл зарпазлар авлодидан. Улар ўз кураш ва меҳнатлари билан бу мўътабар номни доим шарафлаб, эъзозлаб келишаяпти.

...Боягина юқорида таъриф этган «Ҳурмат тахтаси»нинг шундоқ ёнгинасида ҳавога баланд кўтарилган ол байроқ шамолда чўғдек хилпирайди. Бу — ғолиблик тимсоли. У — бугун Турди Нуруллаев бошлиқ 5-бригада шарафига кўтарилган!

Бригада миришкорлари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан эл хирмонига 31,5 центнердан дурдона уйиб, маррага биринчи бўлиб етдилар. План ошиғи билан — 110 процент бажарилди. Лекин ҳали далада ҳосил мўл. Ҳозир «от совутиш» вақти эмас. Буни яхши тушунган бригада заршунослари ғайрат отига шпитобла камчи босишаяпти. Ахир, асосий — 40 центнерлик давон ҳали олдинда!

Энг юксак ҳурмат — колхоз марказида Қизил байроқ кўтарилиш шарафига муяссар бўлган бригадалар, звенолар ва терим экипажлари колхозда оз эмас. Чунончи, гектар бошига 32 центнердан хирмон кўтариб, планини 105 процент адо этган Аъзам Орипов бошлиқ бригада ҳамда Мансур Раббимов, Искандар Аҳмедов ва Нуриддин Нуруллаев бошлиқ пешқадам звенолар ана шундай шарафга сазовор бўлдилар.

Мансур Раббимов, Искандар Аҳмедов, Нуриддин Нуруллаев ва шу каби бошқа «пўлат от»ли чавандозларининг номи ва иши бутун колхозда достон. Уларнинг шижоати, меҳнат завқи-шавқига таъриф бўларли сўз топиш қийин. Теримда карвонбоши, ғайратда ташаббускор бу норғул йигитларнинг матонати кунда колхоз хирмонига қут, барака киритаяпти. Колхоз таъсис этган мукофот — ғолиблик вимпелини ана шулар биринчи қўлга киритишди. Бу мукофотга уч азамат уч маротаба сазовор бўлди. Ҳозиргача уларнинг ўз агрегатлари бункерларидан эл хирмонига тўккан пахтаси 120—130 тоннадан ошиб кетди.

— Йил оғир келди, — дейди колхоз раиси Саидраҳмон ака Саймоқов, картадаги баъзи ҳали кўм-кўк кўсаклардан кўзини узмай. Баҳорда ерларимизнинг қоқ ярмини бир неча бор бузиб қайта экдик. Бор куч ва имкониятларни ишга солиб, ғўза парваришини намунали ўтказдик. Бироқ вақтдан барибир ютқазилган эди. Ҳосил кеч етилди. Бундай кезларда ҳар қандай тадбиркор деҳқоннинг ҳам боши қотиб қолади. Чопарда улоқ оладиган ҳақиқий азаматнинг жўръати ана шунда билинади. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан пухта ўйланган тадбирлар белгиладик. Ҳар бир карта, ҳар бир дала ўрганиб чиқилди. Вақт етиши билан даланинг шароити, яъни пахтаси яхши очилган пайкалларга машина қўйилди. Ҳосилни машиналар билан группа усулида териш режаси амалга оширилди.

Йиғим-теримдаги қийинчиликларни бартараф этиш учун, механизаторларни ишга яхши жалб этиш мақсадида рағбатлантиришнинг янги формаларини қўлладик. Ҳар бир механик-ҳайдовчига меҳнатдаги яхши кўрсаткичлари учун бериладиган вимпел ва пул мукофотидан ташқари машина билан терган пахтанинг ҳар бир тоннасига 20 сўмдан ҳақ тўлаб борилаяпти. Бу яхши самара беряпти.

Моддий манфаатдорлик бор жойда иш унуми, сифати ҳам доим яхши, суръат ҳам юқори. Чунки, механизатор ҳар бир ғанимат дақиқанинг қадрига етади, тезроқ ва кўпроқ пахта теришдан манфаатдор. Вақтни бой бермаслик, машинанинг тўла унум билан ишлаши учун ҳаракат қилади, унга яхши қарайди.

Ҳозир колхоз пахтазорларида ўн олтита терим агрегати жавлон уряпти. Уларнинг кунлик меҳнат унуми ҳозир ҳам юқори. Ҳар бир агрегат билан кунда 3,5—4 тоннадан пахта терилаяпти. Ҳозиргача эса, эл хирмонига бункерлардан тўкилган пахта 1500 тоннадан ошиб кетди. Даладаги ҳосил пешма-пеш қабул пунктларига етказиб берилаяпти. Бу ишда 32 та автопоезд банд. Уларнинг ҳар қайсисига 5—6 тадан тележка ва трактор биркитилган. Сергайрат, ишчан механизаторлардан Малик Зиёвуддинов ва Абдувоҳид Наримоновлар пахта ташишда астойдил жонбозлик ва барчага намуна кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири пунктга кунда 30—35 тоннадан «оқ олтин» элтиб бермоқда.

Колхоз пахта тайёрлаш бўйича район хўжаликлари ичида иккинчи ўринда бормоқда. Кунлик суръат 2,5—3 процентдан паст тушмаяпти. Орзиқиб кутилган марра ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Бу кунгача республикамизнинг 5.700 минг тонналик улкан хирмонига ўзининг 1700 тоннадан энёд «оқ олтин»и билан улуш қўшган колхознинг азамат миришкор зарпазлари, ҳадемай, ғалаба рапортига имзо чекадилар.

Октябрнинг илҳомбахш Чақириқларидан руҳланган, пахта майдонида зўр ғайрат ва шижоат намуналарини кўрсатаётган хўжалик аъзолари бу йил гектаридан 40 центнердан, жами эса 2400 тонналик улкан хирмон кўтариш, бутун ҳосилнинг 97 процентини фақат машиналар билан териб олишга қатъий аҳд — паймон қилишган. Бу — эр йигитнинг аҳди. Ваъда шараф билан бажарилади. Қирқ центнерлик марра — улуғ байрамга тўёна!

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,**
**Бўка районидаги «Коммунизм» колхози.**





## ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



● ОҚҚУРҒОН районидаги «Оққўрғон» пахта тозалаш заводи-қошидаги пахта пункти ходимлари район хўжаликларида етиштирилган «оқ олтин»ни тез ва соз қабул қилиб олмоқдалар. Қабул пунктида янги ҳосилдан «оқ олтин» тоғлари қад кўтараётир. Суратларда: (юқорида, чапдан) С. Сегизбоев номли совхоз далаларида пахта йиғим-терим пайти; янги ҳосилдан бунёд этилаётган «оқ олтин» тоғлари; (пастда) А. Ҳўжаев — ишлаб тиқарини илғори; заводда тайёрланаётган ҳом ашёнинг асосий қисми экспорт қилинади; пахта карвонлари.

В. Сироткин фотолари.

## ЖАНГОВАР ВАРАҚАЛАР

Пахта йиғим-терими тобора авжига чиқиб бормоқда. Барчанинг эътибори пахтазорларга қаратилган, мингларча кишилар, дала гвардиячилари — механик-ҳайдовчилар пахтазорлар қўйнида жавлон урмоқда. Механик-ҳайдовчилар, бригадалар, теримчилар кўпларга намуна бўларли даражада меҳнат қилмоқдалар. Янгийўл район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими илғорларни рағбатлантириш, қолоқларни танқид қилиш мақсадида кўп нусхали махсус «Жанговар варақа» чиқара бошлади. «Жанговар варақа»лар колхозлардаги барча бригадаларга тарқатилмоқда.

«Жанговар варақа»нинг 9-сонида «Ленинизм» колхозининг Уркинбоев, Бегалиев, «Интернационал» колхозининг Азизов, Нидоев, Умирбеков ва Ленин номли колхознинг Дадаев, Абдукаримов, Зоирхўжаев бошлиқ бригада аъзолари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажариб, мажбурият ҳисобига маҳсулот топширишаётгани хабар қилинган.

Илғор механик-ҳайдовчилар, кўпминг килограммчи теримчиларнинг иш натижалари оператив равишда ёритиб борилмоқда. Масалан, Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси О. Ўрозалиев мавсум бошидан бери 125 тонна пахта терган. Ленин номли колхознинг илғор теримчиларидан Кенжаевнинг терган пахтаси 5 тоннага, Назарали Ниёзов номли колхознинг теримчиси Умирзоқованинг терган пахтаси 7 тоннага етган.

Ниёзбоқ қишлоғининг уй бекалари Ленин номли колхоз далаларига чиқиб бир кунда 4 тонна пахта териб беришган.

«Жанговар варақа»да шу каби ҳуш хабарлар тез ва оператив равишда ёритиб борилмоқда.

## САНЪАТ ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи илмий ходимлари дала меҳнаткашларига мўлжалланган «Ўзбекистон рассомлари ижоди», «Рассомлар ижодида пахтакорлар сиймоси», «Тасвирий санъатда меҳнат мадҳи», «Ўзбекистон рассомлари ижодида тарихий-инқилобий мавзу», каби лекциялари билан дала меҳнаткашларини ҳушнуд этмоқдалар.

Музей лекторлари областнинг Чиноз, Оққўрғон, Ғалаба, Коммунистик ва бошқа районларида бўлишди. Дала меҳнаткашлари Ўзбекистон халқ рассоми, Ҳамза мукофоти лауреати Абдулҳақ Абдуллаев, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иногомов, Ўзбекистон халқ рассоми В. И. Ўфимцев каби рассомлар яратган ҳаётий ва маҳорат билан ишланган асарлар нусхасини завқ билан томоша қилиб, улар ижоди ҳақидаги лекцияларни мароқ билан тингладилар.

М. АҲМЕДОВ.

## КИЧКИНТОЙЛАР ФАРОҒАТИ

Чиноз районидаги С. Раҳимов номли колхоз марказида 90 ўринли замонавий болалар боғчаси ишлаб турибди. Унда колхозчиларнинг фарзандлари тарбияланишади. Тажрибали тарбиячилар кичкинтойлар атрофида парвона.

Шу билан бирга, қатор бригада дала шийпонларида ҳам мавсумий боғча-яслилар мавжуд. Хўжаликнинг Т. Нортоев раҳбарлик қилаётган бригадаси дала шийпонида ташкил этилган ясли иши ҳам диққатга сазовор. Яслида Умри Шербекова, Салима Ҳакимова каби мураббийлар ўғил-қизларни меҳр билан тарбиялашяпти. Турли ўйинчоқлар болакайлар ихтиёрида.

— Қаҳрамон, Гулчеҳра, Ҳолида исмли фарзандларим шу ерда тарбияланишяпти. Биз оналар фарзандларимиздан кўнгилларимиз тўқ. Шу учун ғайрат билан меҳнат қиламиз. Улар кичкинтойларимизни сира зериктиришмайди. Турли озиқ-овқат, ширин-шакар, сут, тухум, қаймоқ ўз вақтида етказиб берилади. Бу ғамхўрлик учун миннатдормиз,— дейди кўпболали она Мастура Норқўзиева.

Бригада заршунослари ҳосилдорликни 36 центнерга етказишга аҳд қилишган. Бу ерда колхозчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Дала шийпони колхозчиларнинг иккинчи уйига айланган. Қизил бурчакда телевизор, газета-журналлар, турли шиор ва плакатлар бор.

А. ОРИПОВ.

Спорт

# АНАТОЛИЙ КАРПОВГА ҚУТЛОВЛАР

БАГИО, 18 октябрь (ТАСС махсус мухбири А. Рошаль). Филиппиннинг Багио шаҳрида жаҳон шахмат биринчилиги учун ўтказилган матч ниҳоясига етди. Шахмат тарихида энг узоқ давом этган бу матч бошланганига роппа-роса уч ой бўлди. Матч ниҳоятда ҳаяжонли ўтди: жаҳон чемпиони доммо сезиларли устунлик билан [1:0, 4:1, 5:2] олдинда бориб ҳеч кутилмаган бир ҳолда даъвогарнинг ҳисобини тенглаштириб олишига [5:5] йўл қўйиб қўйди, сўнгра ҳал қилувчи ўйинда уни мағлуб этди. Бу — совет шахматчилари ўйнаган бундан аввалги ҳамма матчлардан энг масъулиятлиси бўлди. «А. Карпов исмли йигит, — деб ёзди Филиппиндаги газеталардан бири, — ўз социал системасини ўзига хос усулда ҳимоя қилмоқда, бу социал система уни вакил қилиб юборган бўлса, шу мамлакатдан қочган унинг рақиби бу системанинг обрўсини тўкишга уринмоқда». Бизнинг бу гапга қўшимчамиз шуки, унинг рақиби бир қанча давлатлардан юқори малакали шахматчиларнигина эмас, ҳатто... Ҳиндистон дипломатига суиқасд қилганлиги учун суд жавобгарлигига тортилган терроchи фанатикларни ҳам ёрдамга чақирган жуда тажрибали, хавфли ва маккор эди.

...32-учрашув бўладиган куни анча узоқ давом этган «канникул»дан сўнг шикоят жюриси тўпланди. Бу жюри матчдаги ўйин вазиятини нормаллаштириш тўғрисидаги битимни бузган даъвогарни қатъий тарзда қоралади. Ҳеч қайси давлатнинг граждани бўлмаган даъвогар ҳар қандай воситалардан, шу жумладан, дўқ-пўписалар қилиб, айблар тўнкаб, шахсий ҳақорат гаплар айтиб, жаҳон чемпионига психологик таъсир ўтказиш мақсадида матчдаги вазиятни асабийлаштиришга неча марталаб уриниб кўрди. Корчной яна Багиога келган жиноятчилар билан алоқасини узмаганлиги маълум бўлди. У халқаро шахмат федерациясининг асосий принципларини ва мусобақа ўтказишнинг конкрет қоидаларини, рақибларнинг спорт хушмуомалалиги билан ўзини тутиш мажбуриятини яна писанд қилмади. Ҳукумат маъмурларининг аралашувига тўғри келди. Ана шундагина даъвогарнинг дам олиши учун ажратилган коттеждан бошпана топган «Ананда марга» мазҳабининг аъзоларини полициячилар Багиодан ҳайдаб чиқаришди.

Матчнинг якукловчи тус олган 32 — учрашувида А. Карпов илҳом билан ўйнади.

17 октябрь кечқурун саҳнада, гроссмейстер М. Таль ибораси билан айтганда, А. Карпов чемпион сифатида ўйнади, биз уни ҳамиша шундай кўришга одатланиб қолганмиз ва шундай кўришни истаймиз. Чиройли тактик зарба қора доналар позициясига кўрсатилиб келган стратегик тазйиқни ниҳоясига етказди. Эртаси кун, 18 октябрь эрталабгина матч арбитри, чехословакиялик гроссмейстер М. Филипп рақибнинг 32-учрашувни давом эттирмай таслим бўлганлигини хабар қилганидагина ҳорғин жаҳон чемпиони лабига табассум югуриб, ўз ғалабаси тўғрисида ўйнига хабар қилишларига «рухсат берди».

Барча шахмат ишқибозларимиз А. Карповни қийин курашда эришилган ғалаба билан табриклайдилар.

* * *

Анатолий Карпов 1951 йил 23 майда Челябинск областининг Златоуст шаҳрида дунёга келди. Шахмат ўйнашни етти ёшида ўрганди. 1966 йилда мастер, 1969 йилда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ва халқаро мастер, яна бир йилдан кейин гроссмейстер бўлди.

Карпов кўпгина йирик халқаро турнирларда, жумладан 1971 йилда Москвада, 1971-72 йилда Гастингсда, 1972 йилда Сан-Антониода, 1973 йилда Мадридда ютиб чиқди; Югославияда [1972], Францияда [1974] ўтказилган жаҳон шахмат олимпиадаларида ва Европа команда чемпионатларида [1973 ва 1977 йилларда] ғолиб чиққан СССР терма командасида қатнашди. Карпов 1974 йилда Ниццедаги XI олимпиадада совет командасига бош бўлиб биринчи тахтада шу мусобақалар тарихида энг яхши натижага эришди — 14 имкониятдан 12 очко олди.

1973 йилда жаҳон биринчилиги учун ўтказилган саралаш мусобақасида Карпов 17 ўйинни ютди, атиги учтасини ютқизди, 1975 йилда Карпов шахмат тарихида ўн иккинчи жаҳон чемпиони деб эълон қилинди.

Янги жаҳон чемпиони 1975-78 йилларда [Багиодаги матчгача] турнирларда жами 137 партия ўйнаб, 88 тасида ғолиб чиқди, 93 тасини дуранг қилди ва атиги 6 тасини ютқазди.

Шахмат журналистлари халқаро уюшмаси 1973 йилдан бери доммо Карповни йилнинг энг яхши гроссмейстери деб ҳисоблаб, унга «Шахмат оскарини» бериб келмоқда.

Бу йил Анатолий Карпов Ленинград университетининг экономика факультетини тамомлади ва «1969-1977 йилларнинг энг яхши ўйинлари» китобини чиқарди. Энди бу китобга янги шонли саҳифа қўшса бўлади.



УЛКАМИЗДА ОЛТИН КУЗ. Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

# ҲАММА КИТОБХОН

Ҳозир областимизнинг хўжаликларидаги дала шийпонларида 300 дан ортиқ кўчма кутубхона ишлаб турибди. Мўл ҳосил ижодкорларига янги газета ва журналлар, кизиқарли китоблар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Кейинги пайтларда кутубхоналар тармоғини кенгайтириш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Пил бошидан бери колхоз ва совхозларда 30 дан ортиқ кутубхона ташкил этилганлиги ҳам шунинг ёрқин далилидир. Бу зиё масканларининг ҳаммаси хўжаликлар ҳисобига очилди. Китобхонлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳозир қишлоқ кутубхоналарининг 5100 дан ортиқ аъзоси бор.

Пахтакор районлар хўжаликлари ҳам бу соҳада кўпгина ишларни амалга оширдилар. Оҳангарон, Бўка районларида иккитадан, Коммунистик районида эса 3 та янги кутубхона очилди. Пил охирига бориб областимиз қишлоқларида яна 12 та кутубхона иш бошлайди. Ҳозир область хўжаликларида ҳаммаси бўлиб 742 кутубхона ва 479 та клуб колхозчилар ва совхоз ишчиларига хизмат кўрсатмоқда.

# ОРДЕН ЭГАСИНИ ТОПДИ

Қурбон Жўраев Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У Украина, Белоруссия ва Польша учун бўлган беомон жангларда қатнашган, уч марта оғир яралар бўлган.

Жангчи 1945 йилнинг январь ойида фронтдан қайтди. Қурбон Жўраев Брест қалъасида кўрсатган жасорати учун иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланган эди. Лекин ҳалоқ бўлганлар рўйхатига кириб қолганлигидан орденни ололмаган эди.

Яқинда Янгийўл район ҳарбий комиссариатида Қ. Жўраевга шу орден тантанали суратда топширилди. Собиқ жангчи кўп йиллар «Коммунизм» колхозида оддий колхозчи бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда. Тўрт ўғли ва қизи даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Ҳ. МИРЗАЕВ.

# ДУНЁ ОВОЗИ
## чет эл хабарлари

### МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЖОРЖТАУН, 18 октябрь. (ТАСС мухбири). Гайана касаба союзлари мамлакат кенг халқ оммасининг туб манфаатлари йўлида изчиллик билан актив кураш олиб бормоқдалар, деди Гайана касаба союзлари конгрессининг бош секретари Ж. Поллидор ТАСС мухбири билан суҳбатда. Улар қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун ҳаракат қилмоқдалар, халқаро кескинликни юмшатишни қўллаб-қувватламоқдалар.

Гайана меҳнаткашлари, деб таъкидлади Ж. Поллидор, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан алоқалар мустаҳкамланишини табриклайдилар. Совет касаба союзлари билан муносабатларнинг ривожлантирилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Гайана ишчилар синфининг бирлиги кун сайин мустаҳкамланмоқда. Мамлакат меҳнаткашларининг жанговар отряди — қишлоқ хўжалиги ва малакасиз ишчилар союзи Гайана касаба союзлари конгресси сафига қўшилиши бу йилги энг шонли воқеаларнинг бири бўлди. Ана шу касаба союзи сафларида 20 минг аъзо бор.

Гайана касаба союзлари, деди пировардида Ж. Поллидор, мамлакатнинг чинакам мустақилликка эришиши учун унинг олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш соҳасида актив иш олиб бормоқдалар.

Ю. УЛЬЯНОВСКИЙ.

### ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

БОННН, 18 октябрь. (ТАСС мухбири). Бугун Ғарбий Германиядаги Штутгарт шаҳрида металл ишлаш станокларининг ихтисослаштирилган «Фамета-78» виставкаси ёпилди. Унда 20 дан ортиқ мамлакатнинг маҳсулоти намойиш қилинди. Воситачи савдо фирмаси — «Гертнер фурмейстер унд К°» Совет станоксозлиги намуналарини кўрсатди. Шу фирма раҳбари Ф.-Х. Раквиц ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

Менинг компаниям совет «Станокимпорт» бирлашмасининг ГФРдаги бош вакили ҳисобланади, бу бирлашма билан биз мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатганмиз. Биз, деб уқтирди, Ф.-Х. Раквиц, ГФРда совет станокларини ва темирчилик—пресс ускуналарини сотаяпмиз. Ҳамкорлик соҳасида ҳозиргача анчагина тажриба орттирилди. Шу йилнинг ўзида фирма Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган 200 тага яқин турли станокларни сотди. Аммо бу чегара эмас.

«Фамета-78» виставкасида олтита совет станоги, шу жумладан сонли программа усулида бошқариладиган ва асбоблари автоматик тарзда ўзгартириб туриладиган фрезер-йўниш станоги кўрсатилди.

Ф.-Х. Раквиц, Европадаги кескинликни юмшатиш жараёни ҳамда СССР билан ГФР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг ривожи совет мижозларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратади, деб таъкидлади.

Е. БАШМАЧНИКОВ.

### ШУБҲАСИЗ УСТУНЛИК

ГАВАНА, 17 октябрь. (ТАСС). Куба пойтахти чеккасидаги Санта-Мария-Дель-Мар деган жойда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши енгил саноат доимий комиссиясининг 31-мажлиси очилди. Мажлис ишида Болгария, Венгрия, Вьетнам Социалистик Республикаси, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия делегациялари қатнашмоқда.

Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг кенг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасидаги узоқ муддатли ҳамкорлик программасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилинмоқда. Кун тартибида кўнчилик-пойафзал саноатини ривожлантиришда Кубага техникавий ёрдам бериш тўғрисидаги масала ҳам бор.

Мажлисни очишда Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба республикаси Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари Флавио Браво нутқ сўзлади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши тенг ҳуқуқли негизга асосланган социализм ва қардошларча ҳамкорликнинг шубҳасиз устунлигини намойиш қилмоқда, деб таъкидлади у.

«Эркин дунё» мамлакатларида пухта жиҳозланган жуда катта судлов-жазолаш аппарати мавжуд бўлиб, унинг зиммасига ҳозирги капиталистик жамиятдаги адолатсизликларга қарши қаратилган ҳар қандай норозиликни ёвузларча бостириш вазифаси юклатилган. Чиндан ҳам Ғарбда «тартиб» ўрнатувчиларнинг асосий қуроли тўқмоқдир. Суратларда бу фикрнинг ёрқин далилини кўриш мумкин.

ТАСС фотохроникаси.

# ЭРОНДАГИ АҲВОЛ

ТЕҲРОН, 17 октябрь. (ТАСС). «Кейҳан интернэшнл» газетасининг хабар беришича, 8 сентябрь «қонли жума» қурбонлари хотирасига кеча Эроннинг кўпгина шаҳарларида бўлиб ўтган намойиш иштирокчилари билан полиция ва қўшин ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида 16 киши ўлган ва юзлаб кишилар яралар бўлган. 8 сентябрда тинч аҳолига қарши қурол ишлатилган эди.

Эроннинг таниқли сиёсий ва диний арбобларининг чақириғига биноан, халоқ бўлганлар хотирасига мотам белгиси сифатида Эроннинг кўпчилик шаҳарларидаги савдо корхоналари, хусусий ва давлат компаниялари ҳамда муассасалари, мактаблар ва бошқа ўқув юртлари ёпилди, саноат корхоналарида иш тўхтади, деб ёзади газета.

«Раста-хиз» газетасининг хабар беришича, намойишчилар 8 сентябрдаги қонли олишувларда айбдор бўлган кишиларни жазолашни, сиёсий маҳбусларни озод этишни, йиғилишлар ва митинглар эркинлигини талаб қилдилар.

«Ояндагон» газетаси бундай деб ёзади: Табриздаги сиёсий маҳбуслар намойишларнинг иштирокчиларига бирдамлик билдириб, бир ҳафталик очлик эълон қилдилар. Теҳрон турмаларидаги сиёсий маҳбуслар бундан илгари худди шундай қарорга келган эдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

# МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

### БИРИНЧИ ЛИГАДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Ўтган куни мамлакат футбол чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Буларда келаси йил олий лигада ўйнаш ҳуқуқи учун даъвогарлик қилаётган командалар ғалабага эришиб, ўз ҳисобларига яна иккитадан очко ёзишга муваффақ бўлишди. Пешқадам «Крилья Советов» футболчилари «Торпедо» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида енгишди ва очколарини 51 тага етказишди.

Ростов-Дон армиячилари эса сафарда «Кузбасс» билан учрашдилар ва 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидагича тугади: «Карпат» — «Шинник» —2:0, «Уралмаш» — «Таврия»— 1:0, «Динамо» (Л) — «Нистру» — 0:0, «Терек» — «Спартак» (Ор) — 2:1, СКА (Одесса) — «Динамо» (Мн) —0:1, «Спартак» (И-Ф)— «Жальгирис» — 0:1, «Кубань» — «Металлург» — 2:0.

Олий лигада ўйнаш ҳуқуқини берадиган учта йўлланмага асосан тўрт команда даъвогар бўлиб турибди. Булар «Крилья Советов», Ростов армиячилари, «Карпат» ва Минск динамочиларидир. Чемпионат тугашига уч тур қолганда бу тўрт команда яқин рақибларидан анча ўзиб кетишди. Куйбишев футболчилари учта йўлланманинг биттасини эгаллаши равшанлашиб қолган бўлса, қолган иккита йўлланмани қайси командалар қўлга киритиши муаммо бўлиб турибди. Ростов футболчилари ҳисобида 50 та, «Карпат» билан «Динамо» командаларида эса 47 тадан очко бор.

Иккинчи эшелонга тушадиган командаларнинг бири аниқланди десак бўлади. «Колхозчи» футболчилари 22 очко билан энг сўнгги ўринда боришмоқда. Шунингдек, Ленинград динамочилари ва Оржоникидзе спартакчилари ҳам жадвалнинг пастки қисмидан ўрин олиб туришибди.

### ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Биринчи лига баскетболчилари чемпионат ўйинларини бошлашди. Кучлилар сафига ўтиш учун жами 24 команда уч группага бўлиниб, кураш олиб боради.

«Университет» бугун қишлоқ хўжалиги институти спорт залида Николаевнинг «Буревестник» командаси билан куч синашади. Эртага эса командалар такрор учрашадилар. Биринчи турда ҳамшаҳарларимиз Харьковнинг «Строитель» командаси билан ўйнаб, иккала ўйинда ҳам ғалабага эришган эдилар. Бу баҳсларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: 91:89, 108:107.


# Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978-79 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚЎШИМЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юртига 15—16—17 ёшдаги ва Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар қабул қилинади.**

Билим юрти қўйдаги мутахассисликлар бўйича темир йўл транспортида ишлаш учун кадрлар тайёрлаб чиқаради: 10-синф маълумоти билан — тепловоз машинистининг ёрдамчиси — ўқиш муддати — 1 ярим йил. Ўқишга қабул қилинганлар 30 сўм стипендия билан таъминланадилар; 8-синф маълумоти билан — электровоз ремонти бўйича слесарь, қирқиш йўли билан металларга совуқ ишлов берувчи токарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь механиклар, электровоз, газ-пайвандчилар, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарлар, тепловоз электр қисми ремонти слесарлари, тепловоз машинисти ёрдамчилари — ўқиш муддати 3 йил.

Ўқишни 3 йил муддат билан тугаллаган ўқувчиларга ўрта махсус таълими ҳақида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқи берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқишни битирганлар темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан, Совет Иттифоқининг исталган бурчагига бепул темир йўл билети олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

**Ўқишга кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши лозим:** паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжатлар (асли), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, медицина варақаси ёки медицина справкаси (286-форма), ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Билим юртининг адреси: Тошкент-71, Ҳамза райони, Сарним кўчаси (15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**бўёқчилар, бўёқчи-алфрейшчиклар, суводчилар, қурувчи дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, электрпайвандчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.**

**Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.**

**Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.**

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунар бўйича аттестат берилади.

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** тугилганлиги ҳақидаги гуваҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, соғлиғи ҳақидаги справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли.

**Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.**

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар—81, Дўмбробод кўчаси, 74-уй (54, 50, 33, 84, 70, 103, 80-автобусларнинг «16-поликлиника», 16-троллейбуснинг «Дўмбробод» бекатлари). Телефон 77-49-53.


## Телевидение

### МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 10.55 — «Пўлат қандай тобланди?». Бадиий фильм. 2-серия. 12.00 — Фильм-концерт. 14.50 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — «Ф. Шопен». 16.25 — Амалий ўт ўчириш спорти бўйича халқаро мусобақа. 16.45 — Рус тили. 17.15 — «Миллионлар ленинча университети». 17.45 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Болаларга аталган шеърлар. 18.55 — Футбол. «Торпедо» — «Штутгард» (ГФР). 20.25 — «Пўлат қандай тобланди?» Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Балет ҳақида. 23.15 — Ҳужжатли фильмлар. 23.45 — Янгиликлар.

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — География. 13.00 — «Сеҳргарлар сиз билан ёнмаён». Телефильм. 13.10 — «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.40— «Ўқитувчи экрани». 14.10 — Болалар учун кўрсатув. 18.00 — «ВЛКСМ 60 йиллигига». 18.45 — «Халқ контроли экрани». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Т. Юнусова, Ҳ. Юсупова ва Ф. Мамадалиев концерти. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.20 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Телетеатр. 3-4-қисмлар.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Ўқув кўрсатуви. 19.30 — Фильм-концерт. 20.30 — «Тугаймас хазина». 21.00 — Янгиликлар. 21.20 — Физика.

## Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19|Х да Афсоналар водийсида, 20|Х да Оқшуш кўли, 21|Х да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19|Х да Уйланиш, 20|Х да Инқилоб тонги.

МУқИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19|Х да Гулбаҳор қани? 20|Х да Хотинимнинг эри, 21|Х да Қизил дуррали нозик ниҳолим.

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Қозоғистон цирк артистларининг гастроллари. «МУЪЖИЗАЛАР УЛКАСИ» (19.30).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1979 йил учун
ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНАНИ 1 НОЯБРГАЧА «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҲАМДА ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙИДАГИ ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ОРҚАЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг, «Союзпечать» бошқармаси.


БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 32533; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 00444. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д—2505.